



Course: CORPORATE GOVERNANCE

Lecture 7. Disclosure of information in corporate governance

Lecturer: Xusainov Shavkat

Фан: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

7 - мавзу. Корпоратив бошқарувда ахборотни ошкор қилиш

Маърузачи: Хусаинов Шавкат

1. Корпоратив бошқарувда ҳисобдорлик, ахборотларни ошкор этиш ва шаффофликни таъминлашнинг ташкилий хусусиятлари
2. Ахборотлар ошкоралигини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларида эълон қилинадиган ахборотлар
3. Акциядорлик жамиятларининг эмитент сифатида ахборотларни ошкор этишлари бўйича талаблар

Ахборотларни ошкор қилишнинг моҳияти

Ахборотларни ошкор қилиш – манфаатдор шахсларнинг корпоратив тузилма фаолияти билан боғлиқ ахборотларни эркин олиш имконияти яратилганлигидир.

Ахборотларни ошкор қилишдан мақсад

- молиявий қарорлар қабул қилиш,
- турли хил дискриминацияларнинг олдини олиш,
- ахборот олиш бўйича номутаносибликни бартараф этиш.

Ахборотларнинг ошкор қилиниши натijasида

- Инвесторлар, шу жумладан потенциал инвесторлар, ходимлар, давлат органлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ахборотлар билан танишиш имкониятлари юзага келади.
- Эмитент молиявий ҳолати таҳлил қилиниши, фаолият истиқболларидан келиб чиққан ҳолда эмитент фаолияти, жумладан қимматли қоғозлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилишлари мумкин бўлади.

Корпоратив бошқарувда
ахборотни ошкор қилиш

Корпоратив бошқарувда ҳисобдорлик, ахборотларни ошкор этиш ва
шаффофликни таъминлашнинг ташкилий хусусиятлари

ИХТТ принципларига кўра:

КБ инфратузилмаси корпорация фаолиятига дахлдор барча муҳим масалалар, жумладан мулкчилик ва компания бошқаруви, фаолият натижалари, молиявий ҳолат бўйича ахборотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаши шарт.

**Ахборотларни ошкор қилиш
бўйича талаблар белгиланган
ҳужжатлар:**

Келтирилган қонунчилик ҳужжатлари асосида
АЖлари томонидан ахборотлар билан
ишлашни ташкил этиш, уларни ошкор қилиш
тартибини белгилаш мақсадида **“Ахборот
сиёсати тўғрисида”**ги Низом ишлаб чиқилиши
ва ички фойдаланиш мақсадида жорий
этилиши мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси,
- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (174/1-
модда),
- Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун,
- Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Қонун,
- Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун,
- Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли
жамиятлар тўғрисидаги Қонун,
- АЖларнинг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган
талаблар тўғрисидаги Низом,
- Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва
эълон қилиш қоидалари.

**Ахборотларни ошкор қилиш
бўйича талаблар белгиланган
ҳужжатлар:**

Келтирилган қонунчилик ҳужжатлари асосида АЖлари томонидан ахборотлар билан ишлашни ташкил этиш, уларни ошкор қилиш тартибини белгилаш мақсадида **“Ахборот сиёсати тўғрисида”**ги Низом ишлаб чиқилиши ва ички фойдаланиш мақсадида жорий этилиши мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси,
- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (174/1-модда),
- Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун,
- Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Қонун,
- Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун,
- Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги Қонун,
- АЖларнинг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом,
- Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари.

Корпоратив бошқарувда
ахборотни ошкор қилиш

Корпоратив бошқарувда ҳисобдорлик, ахборотларни ошкор этиш ва
шаффофликни таъминлашнинг ташкилий хусусиятлари

**Ахборотлар сиёсатининг
асосий мақсади:**

Акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг компания ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларга бўлган талабини қондириш орқали компания фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

370-сонли қонун, 102-модда

370-сонли Қонун, 106-модда

Жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

АЖда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек АЖнинг расмий веб-сайтида ва ОАВда акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган АЖ фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик ижроия органининг зиммасида бўлади.

Ахборот сиёсати:

- **Ахборот сиёсати** — бу компаниянинг манфаатдор шахсларга ишончли ва тўлиқ ахборотларни ўз вақтида тақдим этишнинг асосий йўналишларини белгилайдиган ҳужжатдир.
- **Ахборот сиёсати**, жамиятнинг молиявий ҳолати, ишлаш натижалари ва бошқа муҳим маълумотлар тўғрисида ишончли ахборотларни тақдим этиш орқали компаниянинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.



Ахборот сиёсати:

Ахборот сиёсати, барча манфаатдор шахсларнинг компания фаолияти ҳақида ишончли маълумотларга бўлган талабини қондиришни мақсад қилиб қўяди.

■ Ахборот сиёсатининг асосий вазифалари шулардан иборат:

Ахборот сиёсатининг асосий тамойилларини белгилаш: Компания ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари доимийлик, тезкорлик, қулайлик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилик ва ахборот ресурсларининг ҳимояланганлигидан иборат бўлиши керак.

Барча манфаатдор шахсларга ишончли ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш: Бу ахборотнинг хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлашга ёрдам беради.

Компания ахборотларининг хавфсизлигини таъминлаш: Тижорат сирлари ва махфий ахборотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг молиявий ва стратегик манфаатларига зарар етказмаслиги учун муҳимдир.

Инвестиция жалб қилиш қобилиятини ошириш: Компаниянинг ахборотларни ошкоралик тамойиллари орқали инвестиция жалб қилиш қобилиятини ошириш.




Корпоратив бошқарувда
ахборотни ошкор қилиш

Корпоратив бошқарувда ҳисобдорлик, ахборотларни ошкор этиш ва
шаффофликни таъминлашнинг ташкилий хусусиятлари

Ахборот сиёсатининг асосий принциплари				
Доимийлик ва тезкорлик	Қулайлик	Тўлиқлик	Тенг ҳуқуқлилиқ	Ахборот хавфсизлиги

Ошкор қилинадиган
ахборотлар гуруҳлари:



Эмитент сифатида
ахборотларни ошкор қилиш.

- Бу принципларга тўлиқ амал қилиш акциядорлар, инвесторлар, давлат органлари ва бошқа манфаатдор шахслар учун компания фаолиятини очиқ ва ишончли бўлишини таъминлайди.
- Бу принциплар корпоратив бошқарувнинг асосий йўналишларини белгилайди.
- Бу принциплар асосида, компаниянинг манфаатдор шахсларига нимага эътибор қаратилгани ва уларнинг ҳуқуқлари қандай сақланиши кераклиги аниқланади.

Эмитент сифатида
ахборотларни ошкор қилиш.

- Қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисида ахборот Иқтисодиёт - молия вазирлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.
- Йиллик ҳисобот АУЙ ўтказилганидан кейин икки ҳафта ичида;
- Эмитентнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунларига доир ҳисоботини ҳисобот ойдан кейинги бир ой ичида;
- Эмитентнинг фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабар у юз берган санадан эътиборан икки иш куни ичида АЖ расмий вебсайтида ошкор қилишга мажбур.

Ҳисобдорлик принциплари:

- Ҳисобдорлик принципи корпоратив бошқарувда ижроия ва назорат органларининг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши ва ўз вақтларида ҳисобот беришини назарда тутади.
- Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши, жамият директори ва бошқарув аъзолари, ишончли бошқарувчи, жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ва белгиланган тартибда ҳисобдор бўлиши талаб этилади.



Ҳисобдорлик принциплари:

- Жамиятнинг ички назорати ва ҳисобдорлиги, шунингдек назорат органларининг ҳисобдорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиб, жамиятнинг молиявий ҳолати ва фаолияти бўйича барча керакли маълумотларни тақдим этишга масъулдир.

- Ҳисобдорликнинг муҳим аспекти — **жавобгарлик**, яъни компания бошқарувчилари ва уларнинг органлари ўз мажбуриятларини бажаришига, акциядорлар ва манфаатдор шахсларга ҳаққоний ва ишончли маълумотлар тақдим этишига мажбурдирлар.

- **Масалан**, жамиятга зарар етказилган ҳолда, уларнинг жавобгарлиги солидар жавобгарлик асосида ташкил этилиши мумкин. Шунингдек, жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз бермаган ёки қарорга қарши овоз берган аъзолар жавобгар бўлмайди.

Ахборотларни ошкор этиш:



- Ахборот ошкор этишнинг мақсади дискриминацияга қарши курашиш, молиявий қарорларнинг ишончилиги ва инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.
- Ахборотнинг ошкор қилинишининг яна бир муҳим жиҳати, инвесторлар ва манфаатдор шахсларга эмитентнинг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш имконини беради.
- Ахборот ошкор этиш жараёни компаниянинг молиявий ҳолати, фаолият истиқболлари ва бошқа муҳим аспекти ҳақида манфаатдор шахсларга тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларни тақдим этишга қаратилган.

- Ахборотларни ошкор этиш корпоратив бошқарувда аҳамиятли принцип бўлиб, манфаатдор шахсларнинг компания фаолияти ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишини таъминлайди.
- Ахборот ошкор этиш компаниянинг молиявий ҳолати, фаолият натижалари, ва инвестиция имкониятлари ҳақида тўлиқ ва холис маълумотларни тақдим этиш орқали манфаатдор шахсларнинг ишончини оширади.



**Ахборотлар
ошкор этилиши
ва тарқатилиши:**

- корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz);
- фонд биржасининг расмий веб-сайти (www.uzse.uz);
- АЖ корпоратив веб-сайти;
- оммавий ахборот воситалари (ОАВ);
- интернет порталларида жойлаштириш;
- босма нашрларда чоп этиш;
- манфаатдор шахслар билан ахборот семинарлари ва бошқа турдаги учрашувларни ташкил этиш;
- амалдаги қонунчилик, Устави ва ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ акциядорларга ахборотлар ва уларнинг талабига биноан ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш;
- амалдаги қонунчилик, Устави, ички меъёрий ҳужжатлари ва Бошқарув органлари қарорларига мувофиқ коммуникацион воситалардан фойдаланган ҳолда ахборотларни ошкор этиш.

Ахборотларни ошкор этиш усуллари:

Ахборотларни ошкор этишнинг қатор йўллари мавжуд. Бу йўллар манфаатдор шахсларга тез ва осон кириш имконини беришга қаратилган.

■ Ахборотларни ошкор этишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Корпоратив ахборотлар ягона портали:** Веб-сайтлар орқали ахборотлар ошкор этилади.
- **Фонд биржасининг расмий веб-сайти:** Ахборот тақдим этишнинг расмий манбаларидан бири.
- **Акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайти:** Ахборотлар компаниянинг расмий веб-сайти орқали ошкор этилади.
- **Оммавий ахборот воситалари:** Ахборот оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Шунингдек, компания томонидан ахборотларни ошкор этишда қонунчилик ва компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳаракат қилиниши шарт. Бу ахборотларнинг ишончли ва холис бўлишини таъминлайди.



**Мажбурий ва қўшимча
ахборотларни ошкор этиш:**

Корпоратив бошқарувда ахборотларни ошкор қилиш кўп вақтда мажбурий ҳисобланади.

- Мажбурий ошкор этиладиган ахборотлар давлат органлари ва ҳуқуқий талабларга асосланади.
- Қўшимча ахборотлар, компаниянинг фаолиятига оид муҳим воқеалар ва маълумотлар, уставга мувофиқ манфаатдор шахсларга тақдим этилиши керак.



**Мажбурий ва қўшимча
ахборотларни ошкор этиш:**

**Корпоратив бошқарувнинг
шаффофлигини
таъминлаш:**

Корпоратив бошқарувда ахборотларни ошкор қилиш кўп вақтта мажбурий ҳисобланади.

- мажбурий ошкор этиладиган ахборотлар давлат органлари ва ҳуқуқий талабларга асосланади.
- қўшимча ахборотлар, компаниянинг фаолиятига оид муҳим воқеалар ва маълумотлар, уставга мувофиқ манфаатдор шахсларга тақдим этилиши керак.
- ҳисобдорлик ва ахборотларни ошкор этиш жараёнлари фаолиятнинг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг ишончини ва шаффофлигини оширади.



02.07.2014 йилдаги
Вазирлар Маҳкамасининг
“АЖларда КБ тизимини
янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори билан
**“АЖларининг корпоратив
веб-сайтларига
қўйиладиган талаблар
тўғрисида”ги Низом**
тасдиқланди ва 2015 йил 1
январдан бошлаб амалга
киритилди:

- фаолият мақсади;
- АЖ устави, шу жумладан унга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда жамиятнинг тасдиқланган бизнес-режалари;
- ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот;
- ташкилий тузилмаси, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг номи, уларнинг телефонлари рақамлари, манзили, уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- раҳбарият (директор ва бошқарув раиси) тўғрисидаги маълумотнома ахборот;
- бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган коллегиял ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

02.07.2014 йилдаги
Вазирлар Маҳкамасининг
“АЖларда КБ тизимини
янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори билан
**“АЖларининг корпоратив
веб-сайтларига
қўйиладиган талаблар
тўғрисида”ги Низом**
тасдиқланди ва 2015 йил 1
январдан бошлаб амалга
киритилди:

- аффилиланган шахслари рўйхати;
- КБ масалалари бўйича жамиятнинг ички ҳужжатлари, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодекси;
- муҳим фактлар;
- АУЙда қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш якунлари (қарорлар қабул қилинган санадан 30 кун мобайнида);
- АУЙ ўтказилиши, санаси, вақти, ўтказиладиган жойи, кун тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- қимматли қоғозлар эмиссияси проспеклари, шунингдек ҚҚБ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ АЖ чораклик ва йиллик ҳисоботлари;
- ўтказиладиган оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар, матбуот-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) рўйхати ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар;

02.07.2014 йилдаги
Вазирлар Маҳкамасининг
“АЖларда КБ тизимини
янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори билан
**“АЖларининг корпоратив
веб-сайтларига
қўйиладиган талаблар
тўғрисида”ги Низом**
тасдиқланди ва 2015 йил 1
январдан бошлаб амалга
киритилди:

- товарларни етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) бўйича АЖ ва унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;
- молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, АЖ фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар;
- охириги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шу жумладан қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар;
- йиллик молия-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси;
- АЖ томонидан акциялар сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар;
- корпоратив веб-сайтдаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда АЖ корпоратив веб-сайтига мажбурий ҳаволалар кўрсатилиши тўғрисидаги талаб.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
«Ўзбекистон Республикасида
инвестиция иқлими ва
ишбилармонлик муҳитини
янада такомиллаштиришга
доир қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида» 2014-
йил 7-апрелдаги ПФ-4609-
сон Фармони:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 2-июлдаги
“Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан:

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни
такомиллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида
янги механизмлар жорий этилди.



2015-йил 1-январдан амалга
киритилган ушбу қарорга
мувофиқ, акциядорлик
жамиятлари корпоратив веб-
сайтларида
жойлаштириладиган
ахборотларга қўйиладиган
талаблар кўрсатилган.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтлари билан боғлиқ қўйиладиган талаблар
Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 31-декабрдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган давлат
ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-
сайтларига қўйиладиган асосий талабларга ҳам жавоб беришга мажбур.

Бу талаблар жамиятларнинг ишончли ва шаффоф фаолият юритишини, шу билан
бирга акциядорлар ва манфаатдор шахслар учун аниқ, ишончли маълумотларни
таъминлашни мақсад қилади.



Жамият фаолияти ва
мақсадлари



Акциядорлик жамиятлари ўз веб-сайтларида жамиятнинг фаолиятининг асосий мақсадларини ва предметини аниқ ва холисона кўрсатишлари керак. Бу ахборот жамиятнинг бозордаги ўрни ва бизнес-нишини тушунишга ёрдам беради.

Жамиятнинг молиявий ва стратегик мақсадлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги асосий йўналишлар, шунингдек, аҳамиятли лойиҳалар ва инвестиция имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилиши шарт.

Устав ва бизнес-режалар

- Корпоратив веб-сайтта жамиятнинг устави ва унга киритилган ўзгартишлар, қўшимчалар ҳамда тасдиқланган бизнес-режалар ва стратегиялар ҳам эълон қилиниши керак.
- Устав жамиятнинг ҳуқуқий асосини белгилайди, шунингдек, бизнес-режалар ва стратегиялар жамиятнинг келгусидаги ривожланиш йўналишлари ва мақсадларини кўрсатади.



Ривожлантириш стратегияси ва ташкилий тузилма

- Жамиятнинг **ривожлантириш стратегияси** тўғрисидаги ахборот ҳам жойлаштирилиши керак.
- Бу ахборот жамиятнинг қандай йўналишлар бўйича ривожланишини ва қандай молиявий ҳодисаларга эътибор қаратилишини кўрсатади.
- Шунингдек, **ташкилий тузилма**, филиаллар, ваколатхоналар ва шўба хўжалик жамиятлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг манзиллари, телефон рақамлари ва иш тартиби ҳам веб-сайтда акс этиши керак.

Жамият раҳбарлари ва ишга қабул қилиш маълумотлари

- Жамиятнинг раҳбарлари (директор ва бошқарув раиси) тўғрисидаги тўлиқ маълумотнома ва ишга қабул қилиш шартлари, бошқа важли иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам веб-сайтда бўлиши шарт.
- Бу маълумотлар кандидатлар ва манфаатдор шахсларга ишлаш шартларини тушуниш имконини беради.



Корпоратив бошқарув ва
аффилиланган шахслар

- Жамиятнинг **корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички ҳужжатлари**, шунингдек, **аффилиланган шахслар рўйхати** ва уларга оид маълумотлар ҳам эълон қилиниши керак. Бу жараёнлар жамиятнинг ахборот сиёсатини очиқ ва шаффоф қилиш учун муҳимдир.



Қимматли қоғозлар ва
молиявий ахборот

- **Қимматли қоғозлар эмиссияси проспеклари** ва жамиятнинг **чораклик ва йиллик ҳисоботлари** ҳамда бўш иш ўринлари ва оммавий тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳар бир акциядор ва манфаатдор шахсга жамиятнинг молиявий ҳолати ва фаолиятини тушунишга ёрдам беради.
- Ҳар бир **акциядор ва инвестор**, жамиятнинг молиявий натижалари, дивидендларнинг ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ахборотлар билан танишиши лозим.



Оммавий тадбирлар ва
жамиятнинг маҳсулотлари

- Жамият томонидан ташкил этилган **оммавий тадбирлар**, матбуот-конференциялар, семинарлар, расмий ташрифлар ва тендерлар тўғрисидаги ахборотлар ҳам веб-сайтта эълон қилиниши керак.
- **Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар** ва хизматлар, уларни етказиб бериш шартлари ва тендерлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак. Бу ахборотларнинг ошкор этилиши жамиятнинг бозордаги фаолиятини ва ишлаши механизмларини аниқ тушунишга ёрдам беради.



Молиявий таҳлил ва
дивидендлар

- **Молиявий ахборот**, жамиятнинг **молия-хўжалик ҳолати ва ривожланиш динамикаси** тўғрисидаги таҳлилий шарҳлар, **йиллик молиявий текшириш натижалари**, **аудитор хулосаси**, ва **дивидендлар** тўғрисидаги маълумотлар **акциядорлар ва манфаатдор шахслар** учун жамиятнинг молиявий ҳолатини тушунишда муҳимдир.



Барча ҳисоботлар ва
ахборотлар Қимматли
қоғозлар бозорини
ривожлантириш ва
мувофиқлаштириш
марказининг расмий веб-
сайтида эълон қилиниши
керак.

Эълон қилиниши шарт
бўлган муҳим фактлар
рўйхати:

Муҳим фактнинг номи	Муҳим факт рақами
Ном ўзгариши	01
Жойлашган ер (почта манзили), электрон почта манзили ёки веб-сайти ўзгариши	02
Қайта ташкил этилганлиги	03
Фаолиятнинг тўхтатилганлиги	04
Фаолиятнинг тугатилганлиги	05
Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар	06

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, инвесторлар талабига кўра, ахборотларни тақдим этиши ва уларнинг ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Мажбурий ахборотлар:

- Акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари тўғрисида маълумотлар.
- Акциядорлик жамиятининг устав капиталидан 20 фоиз ва ундан ортиқ акцияларга эгалик қилган шахслар ҳақида ахборот.

Барча ахборотлар белгиланган тартибда, битим тузилган кундан **икки иш куни** ичида эълон қилинади.

Жазо чоралари: Маълумотларни ўз вақтида ёки тўғри эълон қилмаслик, давлат органларига ҳисоботларни вақтида топширмаслик мансабдор шахсларга жарима солинишини тақозо этади.



Ҳуқуқий манбалар:

- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи бўлган Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш маркази, шунингдек, фонд биржаси ва қонун ҳужжатлари тартибида ёритилган.
- Бу қоидаларга риоя қилиш эмитентларга бозордаги иш фаолиятини шаффоф ва тартибли олиб боришга имкон яратади.



174¹-модда. Қимматли
қоғозлар бозори
тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузиш:

- Эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Қимматли қоғозлар эгаси битим тузиш натижасида эмитент қимматли қоғозлари ҳар қандай турининг 35 ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қила бошласа, эмитентга ушбу ахборотни битим тузилган санани, қимматли қоғозлар сони ва олинган улушни, шунингдек ўзининг почта манзилини кўрсатган ҳолда мазкур битим тузилган санадан эътиборан *беш кун ичида* тақдим этиши шарт.

Акциялар эгаси мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида АЖ акцияларининг мазкур АЖ устав капиталининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда ошкор қилиши шарт. Бунда ахборотни ошкор қилиш битим тузилган кундан икки иш куни мобайнида республика газетаси ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади



1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S. / T.: "Iqtisod-moliya". 2019
3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S. / T.: "Zebo Print", 2021
4. Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A. / Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021





Раҳмат!

